Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 12 (10.261).

1992 йил 17 январь жума

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

САМИМИЙ СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 14 январь куни турли фирмаларга бошчилик қилувчи турк ишбилармонлари гуруҳини қабул қилди. Улар Ўзбекистонга амалий ташриф буюрганлар.

Республика раҳбари яқинда қилинган ташриф вақтида Ўзбекистон делегацияси Туркия диёрида сидқидилдан самимий кутиб олинганини таъкидлади. Туркия Президенти Турғут Ўзол ва Бош вазир Сулаймон Демерэл билан бўлган учрашув ва суҳбатлар натижасида имзоланган ҳужжатлар иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни жиддий ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириш имкониятини беради. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида элчихоналар очилиши, тайёралар қатнови йўлга қўйилиши ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш йўлидаги аниқ қадамлар бўлади. Олий Кенгашнинг сессиясида Туркия Республикаси билан алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги диққатга сазовордир. Туркиянинг иқтисодий ривожланиш модули Ўзбекистонга жуда мос келиши туфайли парламент шу тўхтамга келди.

Дўст мамлакат савдо-саноат кишиларининг бу келиши иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳақиқий қадамдир, деб таъкидлади И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг бой табиий, хом ашё ресурслари ва Туркиянинг замонавий технологиялари, иқтисодий имкониятлари шу алоқалар пухталигининг кафолатидир. Қўшма корхоналарнинг барпо этилиши, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турлари иккала мамлакатга фойда келтиради.

Турк ишбилармонлари гуруҳининг раҳбари Эрул Ярар иззат-икром учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. Мамлакатимнинг савдо-саноат кишилари икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга баҳолиқудрат ҳисса қўшадилар, қадимий Ўзбекистон диёри уларга руҳан яқиндир. Бу учрашув муносабатларни мустаҳкамлаш гаровидир.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика Ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси Ў. Т. Султонов, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхоз раиси, республика Олий Кенгашининг депутати И. Файзуллаев қатнашдилар.

ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК

● УРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Киров номли тажриба хўжалиги ишчилари иссиқхоналарда мўл-кўл бодринг етиштирдилар. Қишда ҳам ёздагидек ҳосил олаётганларни ҳар қанча олқишласак арзийди. Ҳар бир туп кўчатда Умида Қурбонова, Сапура Тўкизбоева сингари ишчиларнинг меҳр қўрлари қолган дейиш мумкин. Суратда: (чапдан) Умида Қурбонова, Сапура Тўкизбоева.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

• *Янгийўл хабарлари*

ЯХШИ КЎЧАТ— МЎЛ ҲОСИЛ

● КАЛИНИН номли жамоа хўжалигининг иссиқхонаси сабзавоткорлари ўтган йили 260 минг сўмлик маҳсулот сотишиб, ўз зиммаларидаги режа ва топшириқларини ортиғи билан бажарган эдилар. Улар жорий йилда ҳам ўз олдиларига юксак вазифалар қўйишган. Шаҳарликлар дастурхонини саҳоватли заминнинг ноз-неъматлари билан тўлдиришга ҳисса қўшишни мақсад қилиб олганлар.

Яхши кўчат — мўл ҳосил деган гап. Шунинг учун улар серҳосил, сара кўчат тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айни кунларда А. Усмонов, Н. Туроббоева, Ҳ. Ҳасанова каби деҳқонлар помидор ва карам кўчатларини меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

СУВ ИНШООТЛАРИ ТОЗАЛАНМОҚДА

● СУВ зар бўлса, сувчи заргар деган ибора илгари кўп ишлатиларди. Энди эса... Лекин бу иборада она-заминни севувчи деҳқонгагина аён бўлган томонлари кўп. Зеро, сувсиз заминда ҳаёт йўқ, демак. Шундай экан ундан оқилона фойдаланиш тобора оғирлашиб бораётган ҳозирги даврда энг долзарб вазифадир.

Янгийўл ноҳиясида ана шу мулоҳазалар асосида иш юритилиб, сув йўлларини тартибга келтириш, тозалаш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Сув иншоотлари қурилиши вилоят бошқармасига қараш ли 2-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда ноҳия таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари қисқа муддатларда ҳудуддаги ўндан ортиқ сув ҳавзаларини тартибга келтирдилар. Айни пайтда 10 та насос станцияси ҳам сифатли қилиб таъмирдан чиқарилди.

КАСАНАЧИЛАР ҲИССАСИ

● ЎТГАН йили ноҳияда касаначиликни ривожлантириш мақсадида саноат корхонаси иш бошлаган эди. Бунда аҳолининг маълум қисмини иш билан таъминлаш ва шу орқали саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилганди. Тўғрида, ҳаммада ҳам бирон корхона ёки ташкилотда, борингки, хўжаликда ишлаш имконияти йўқ. Айниқса, халқимизнинг болажонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, кўплаб қўли гул аёлларимиз ўз имкониятларидан тўла фойдаланмасди.

Энди ана шу корхона ёрдамида уларнинг ўз хонадонларида ишлашлари учун шароит яратиб берилди. Бу корхона иш бошлаганда, бор-йўғи 5—6 киши касаначилик билан шуғулланарди, холос. Йил давомида унинг қўлами кенгайиб бориб, 40 дан зиёд кишини иш билан таъминлади. Бу ўз навбатида корхонага фойда келтира бошлади. Ўтган йилнёқ 600 минг сўмдан кўпроқ фойда олинди. Касаначилар аҳолига болалар ва катталар кўйлаклари, нафис ва гўзал қилиб тўқилган гиламлар ҳадя этишди. Корхонада жорий йилда бу соҳани янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

ФОЙДА КЕЛТИРДИ

● «КОММУНИЗМ» жамоа хўжалигининг етти сотҳлик иссиқхонаси мавжуд бўлиб, илгари бу ердан унумли фойдаланилмай келганди. Бир неча киши иссиқхонада иш юритиб ҳам кўрди. Лекин уддасидан чиқиша олмаган эдилар. Ниҳоят ўтган йили деҳқончиликнинг сир-асрорларини яхши биладиган Кўчқор Қобулов бу ерни ижарага олиб, қисқа муддат ичида ҳақиқий гулистонга айлантирди. Гап шундаки, у иссиқхонага беш турдаги гул кўчатларн келтириб экди. Парваришига катта эътибор билан қаради. Натижада ўтган йили ўз улушидан ташқари хўжаликка 8 минг сўм фойда ҳам келтирди. Қишнинг қирчиллама пайти бўлганига қарамасдан ҳозирги кунда гулчилар ўз маҳсулотларини нафақат Тошкент, балки Россия шаҳарларида ҳам сотишмоқда.

Холхўжа МИРЗАЕВ.

• *Ижарага кенг йўл*

ОРЗУЛАР УШАЛАДИ

МУНОСИБ ака фермадан чиқиб тўғри шоли оқлайдиган тегирмонга қараб юрди. Тегирмон шу йилнинг бошида ишга тушиши керак эди. Негадир тегирмончи индамаяпти. Шунинг учун у бориб қурилишни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди. Йўқ, ҳамма иш битибди. Фақат электр токига улаш қолган экан. Йўғонроқ ток ўтказгич симнинг йўқлиги учун тегирмонни ишга тушириш бироз кечикибди.

Шоли оқлайдиган тегирмон хўжалик аъзолари учун жуда керак. Ўтган йили 50 гектар ерга шоли экилган эди. Раис шолипояларни одамларга ижарага бўлиб берди.

— Гектар бошига 35 центнердан топширасизлар, — деди раис уларга. — Шундан ошириб олган ҳосилингиз ўзингизга қолади. Қани бир кучларингни кўрсатингларчи?!

Ижарачиларга шоли экиладиган майдонлар эрта баҳорда ажратилгани яхши бўлди. Ўзлари бошида туриб, кўнгилдагидек қилиб ҳайдатишди. Ўғитга тўйдиришди, пол олишди. Сара уруғидан топиб экишди. Шу бўйи кеч кузгача экинни меҳр билан парвариш қилишди. Вақтида ўтоқ қилишиб, вақтида суғоришди. Бошоқ тортганда, қушлардан асрашди. Шу тариқа мўл ҳосил етиштирилди.

Эллик гектар ерда 200 тоннадан кўпроқ шоли ҳосили олинди. Икки гектар майдонда деҳқончилик қилган Холмурод Эргашевнинг ўзига 5250 килограмм шоли қолди. Бир гектар ерда деҳқончилик қилган Ислом Мирзааҳмедовга эса 2500 килограмм шоли тегди. Бошқа ижарачиларнинг омбори ҳам донга тўлди.

Раис шунинг учун ҳам шоли оқлайдиган тегирмонни тезроқ ишга тушириш пайида юрган эди.

— Хўжалик юритишнинг энг мақбул йўли ижара усули экан, — дейди Пискент районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Муносиб Аваз-ов. — Боғдорчилик, сабзавотчиликни ҳам ижарачиларга бўлиб бериб, жонимиз анча тинчиб қолди. Бригадир бировнинг эшигига бориб, ишга чиқ демайди, ҳосил етилганда далада қоровуллик қилмайди. Ҳаммаси ижарачиларнинг ўз зиммасида. Режани бажардими, бас, ҳосилнинг ортганини нима қилса ўзи билади. Шунинг учун ҳам у кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдан манфаатдор бўлиб қолди. Бу йилдан пахтачиликда ҳам ижара усулини қўлламоқчимиз...

Раис бу ҳақда узоқ ўйлади. Ўзича ҳисоб-китоблар қилди. Ижарага ўтиб ишлаётган деҳқонларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Охири бир тўхтамга келиб, фаоллар кенгашида ўз фикрини кўпчилик муҳокамасига ташлади. Раиснинг таклифини эшитганлардан баъзилари олдинига бироз ўйланиб туришди. Ахир пахтанинг юки оғир-да. Ижарачининг бели қайишиб кетмасмикан?!

— Албатта сабзавот экиладиган майдон билан пахта экиладиган майдонга қилинадиган сарф-харажатларда фарқ бўлади, — тушунтирди раис. — Гектар бошига 27 центнердан пахта ҳосили олиш учун 2700 сўм ажратилади. Ҳосилдорлик 30 центнерга етказилса, 3100 сўм, 35 центнерга етказилса, 3744 сўм берилади. Бундан бўён хамма учун ўрта ҳисобда бир текис ҳақ тўланмайди. Кўп ишлаган киши меҳнатига яраша ҳақ олаверади.

Сир эмас, илгари деҳқонлар 7 ой пахта далаларида ишласаларда, қолган ойларда бўш бўлардилар. Ишлаган вақтлари учун ўрта ҳисобда ойига 300 сўмдан ҳақ олардилар. Ҳақ тўлашдаги тенглик одамлардаги масъулиятни, ташаббусни сўндирди. Шу кунгача ҳар гектар ернинг яганаси қандай бўлганлигидан қатъий назар 90 сўм ҳақ берилади. Сувчи эса суғорган ҳар гектар ерга 15 сўмдан олади. Ғўза мириқиб сув ичдими, даланинг ўрта қисмидаги ниҳоллар тагига сув бордими, сув оёқладими бу билан бировнинг иши бўлмасди. Механизатор ҳам огатнинг у бошидан бу бошига бориб келса бас, нарядга номи ёзилаверарди.

Агар ижарага ўтилса иш бошқачароқ бўлади. Шу жараёнларнинг қандай бажарилаётганлигидан ижарачининг ўзи кўз-қулоқ бўлиб туради. Балки ғўзани енгил-елпи 4—5 марта эмас, мириқтириб 2—3 марта суғорса етар. Ишчи органлари ейилиб кетган культиваторларни сургаб келган тракторни пайкалга киритишнинг ҳожати йўқдир, чунки культиватор тишлари илдизларни юмшатмайди, ёввойи ўтларни қирмайди, балки уларнинг ривожланишига салбий таъсир этади. Ижарачи эса шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олади. Ўз томорқасида қанчалик жон куйдириб ишласа, ўзи учун ажратилган пахта майдонларида ҳам шунчалик манфаатдорлик билан меҳнат қилади. Бошқаларни ҳам шунга мажбур этади. Пировардида ҳосил юқори бўлиб, даромад ортади.

Боя иккиланиб турган одамлар таклифнинг маъносига энди тушуниб етгандек бўлдилар. Дарров бу йил пахта экиш учун ажратилган майдонлар ишчи бошига тақсимлаб чиқилди. Ижарачилар аниқланди. Ҳисоб-китоб қилиб кўришса, ҳар бир ижарачига уч гектардан майдон тўғри келар экан.

Колхозчиларнинг ёдида. Ўтган йил бошида ингичка толали пахта экиш тўғрисида таклиф бўлганда ҳам, айрим кишилар бироз иккиланиб туришганди. Ахир ингичка толали пахта умуман Тошкент вилоятида экилиб кўрилмаганда. Дабдурустдан экилсаю, лекин ҳосил битмаса, унда ким жавоб беради. Зое кетган меҳнатга ким ҳақ тўлайди? Раис қўрқмади, учта бригадада етти гектардан ингичка толали пахта экиб кўрмоқчи бўлди. Қолаверса, бу хилдаги пахтанинг харид нархи жаҳон бозорида ҳам анча юқори туради. Оддий пахта толасининг ҳар тоннаси 10 минг сўмга сотилса, ингичка толали пахтани харидорлар 13 ярим минг сўмдан бемалол талаб кетишади. Ер ёқиб қолса, ўзи ҳам роса ҳосил мўл бўлади. Икки теримдаёқ, 30 центнерга етказиб ҳосил олса бўлади. Бу ҳар уччала бригадада исботланди. Энг яхши томони сувни кам ичяпти, тошлоқ ерни ёқтирар экан. Терим пайтида ҳам ҳайдовчилар қийналишмади: шпиндель ўрнига спирал ўрнатишди, холос.

Бу йил ингичка толали пахта экиладиган майдонларни икки уч баробар кўпайтириш ҳақида ўйлашяпти. Ҳозир давлат буюртмасининг 5 фоизи ва режага қўшимча тайёрланган бутун ҳосил жамоа хўжалигининг ўз тасарруфида қоляпти. Боз устига хўжалик товар хом ашё биржасига аъзо бўлиб кирган. У ерда брокерлик ўрни бор. Шу биржа орқали бундан буён ўз маҳсулотларини валютага сотаверади. Банкда эса ўз ҳисоби очилган. Валюта шу ҳисобга келиб тушаверади.

Мана энди барча орзулар ушаладиган замонлар бошланяпти. Валюта бўлгач, қўлингни қаёққа узатсанг ҳам етади. Хўжалик юритишдаги мустақиллик ва ижодкорлик янги уфқлар очмоқда. Келинг, хўжалик тажрибасидан баҳраманд бўлайлик.

Ж. НОСИРОВ,
Пискент райони.

САЛОМАТЛИК МУАССАСАЛАРИДА

ЯНГИ БЎЛИМ ОЧИЛДИ

Инсон ҳаёти тасодифлардан, хавф-хатарлардан, турли фалокатлардан ҳоли эмас. Ҳар хил кўнгилсизликлар, ҳодисалар туфайли унинг саломатлиги оғир таҳликада қолганда шифохонада бемор жонига аро кирадиган бир бўлим бор. У ҳам бўлса жадал даволаш орқали ҳаётга қайтариш бўлимидир. Бу ерда одамлар қайта туғилгандек бўладилар. Оққўрғон район марказий шифохонаси учун бундай жойга эга бўлиш бир орзу эди. Тиниб-тинчимас раҳбар, малакали врач, бош шифокор Зиёб Ғиёсович Ғиёсовнинг изчил ҳаракати билан марказий касалхонада шундай бўлим фаолият кўрсата бошлади. Унга истеъдодли шифокор Қаршибой Раманқулов мудирлик қилмоқда.

Шифохонада бу врач ҳақида беморлар «умр бахш этадиган» дўхтир дейишади. Халоскорлар орасида яна шундай муносиб баҳога болалар бўлимининг жадал даволовчиси Ҳуснидин Ғаниев ҳам сазовор бўлмоқда. Керак бўлса, у кунни тунга улаб, беморлар ҳаёти учун курашади. Шу хислати билан эл ҳурматини қозонмоқда.

Шифохонадаги ҳар иккала бўлим ҳам «кардиомонитор», сунъий нафас олдириш ускунаси каби замонавий асбоблар билан жиҳозланган.

РАВШАН КЎРСАТАДИ

Бу дарднинг инжиқлигини ошқозон азобини тортган кишигина билади. Кўнглига қил 'сиғмайди. Асабийлашиб, сал нарсага жаҳли чиқиб, ўзини тутолмайдиган бўлиб қолади. Илгарилари ошқозон хасталигини аниқлаш учун беморг кўп сарсон бўларди. Турли тиббий бўлимларга кириб, таҳлиллардан ўтар, кейин даволаниш бошланарди.

Эндиликда бундай хасталикка чалинганлар учун аҳвол енгиллашди. «Гастроскоп» асбоби ошқозон, ўн икки бармоқли ичакдаги манзарани ойнадек равшан кўрсатиб беради. Бу асбобдан ҳозир Тошкент район соғлиқни сақлаш бўлимининг марказий поликлиникасида самарали фойдаланилмоқда.

С. ҲАСАНОВ.

ҚУТЛОВ

УЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Жумҳуриятининг Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Корея Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номимдан энг самимий қутловларни қабул этгайсиз. Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон Жумҳуриятининг халқи бундан буён ҳам зўр ютуқларга эришаверишига аминман. Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам иккала томоннинг фойдаси йўлида мустаҳкамланаверишига астойдил умидворман.

Яқин келажакда Сиз жаноби олийларига Сеулда пешвоз чиқишдек ёқимли имкониятдан фойдаланишга муштоқман, Сизга сиҳатсаломатлик ва олижаноб муддаоларингизда ҳар томонлама муваффақиятлар тилайман.

Ро Де У,
Корея Республикасининг Президенти

Умумхалқ овоз бериши натижасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти юксак лавозимига сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимизни қабул этгайсиз.

Сизнинг жумҳуриятингиз билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият бераямиз. Мамлакатларимиз турмушида рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ҳам икки томонлама йўлда, ҳам халқаро майдонда сифат жиҳатдан янги асосда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда янги имкониятлар очишига ишонаман.

Ўзбекистон Жумҳуриятининг тараққиёти ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Пунсалмагийн ОЧЕРБАТ,
Монголия Халқ Жумҳуриятининг Президенти

• *Вилоят ички ишлар бошқармасида*

ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шу йил 3 январдаги кўрсатмасида жумҳурият мустақиллигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, ички ишлар идораларида қайта қуриш муваффақиятини таъминлаш суст бораётганлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўртасида хизмат интизомини кучайтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни намунали ташкил этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Вилоят ички ишлар Бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда Ички ишлар вазирлиги кўрсатмасидаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш режалари белгилаб олинди. Шу нарса алоҳида таъкидландики, эркин нархларга ўтилганлиги, муомалага купон усулининг киритилганлиги, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Айниқса, жумҳуриятдан ташқарига моддий бойликларни ташиб чиқиб кетилиши устидан ҳушёрлик билан назорат ўрнатиш лозим. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ташвишлари икки-уч баравар ошди. Агар ҳар бир район, шаҳар ички ишлар бўлими ўзининг аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқмаса, масъулиятларини кучайтирмаса Ўзбекистон давлатида турли хил жиноятларга қарши кураш кутилган натижаларни бермайди.

Йиғилишда вилоят ҳудудидан республика ташқарисига моддий бойликларимиз, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш эҳтимоли бўлган барча йўлларни яна бир бор кўздан кечириш, уларда махсус назорат бекатлари ташкил этиш, назорат ишларига қўшимча ходимлар ажратиш, давлат автомобиль назорати постларида таъқиқланган ёки ўғирланган моллар, ўқотар қуроллар, гиёҳвандлик моддаларининг яширинча олиб ўтилишига йўл қўймаслик алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг ходимлари жумҳурият ва вилоят ҳудудида купонлардан фойдаланишни қатъий назоратлари остига олишлари, купонлар ясаш ва кўпайтириш мумкин бўлган барча жойларда назорат ўрнатишлари лозим.

Ҳозир, айниқса, мураккаб давр. Вилоят ички ишлар Бошқармаси шуни ҳисобга олиб, тезкор-хизмат гуруҳини тузди. У «Комплекс» деб номланган махсус тадбир асосида иш олиб бормоқда. Гуруҳ аъзолари жамиятимизга ёт кимсалар тўпланадиган жойларни, фоҳишалар, қиморбоз ҳамда қўшмачиларни аниқлаб, уларга нисбатан қонунларимизда кўзда тутилган жазо чораларини қўллайдилар. Жойлардаги меҳмонхоналар, ётоқхоналар, шахсий хонадонларда вақтинча яшаётган кишиларнинг паспортлари текширилаётганда аниқланган қонунбузарликлар, шубҳали шахслар тўғрисида вилоят ички ишлар Бошқармаси ҳузуридаги махсус ишчи гуруҳи штабига хабар бериш керак. Шунингдек йиғилишда район ва шаҳар ички ишлар бўлимлари раҳбарлари зиммасига ижроия комитетлар вакиллари билан биргаликда қамоқхоналардан қайтиб келган шахсларни ишга жойлаштириш мумкин бўлган корхона ва ташкилотларни аниқлаб, расмийлаштириш вазифалари юклатилди.

М. МИРСОВУРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази раҳбари.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚУДУҚ!

• *Луқма*

«Фалокат оёқ остида» дейди халқимиз. Бунга кўшилмай иложимиз йўқ. Лекин бахтга қарши шундай ҳолатлар бўладики, кимларнингдир хизмат бурчига лоқайдлиги оқибатида ҳам кўплаб дилхираликлар келиб чиқмоқда.

Бир куни оқшом чоғи кетаётиб Тошкент шаҳридаги Хоразм ҳамда Ҳамза кўчалари туташган йўлнинг ўртасидаги қудуққа дуч келиб қолдим. Унинг қопқоғи 10 метрлар чамаси нарида ётарди. Қудуқнинг тубига назар ташладиму, баданим сесканиб кетди. Ичи турли-туман темир-терсакка тўла бўлиб, чуқурлиги тахминан 3—4 метрлар чамаси келарди. Унга беҳосдан тушиб кетган кишининг камида бирор ери лат ейиши ёки ҳатто ҳаёт билан видолашиши ҳам ҳеч гап эмасди. Соғ-саломат қудуқ тубига «қўниб» олган одамнинг эса у ердан нарвонсиз чиқиб олишининг ўзи бир машаққат.

Тўғри бу ишга мутасадди раҳбарлар:— Кўзга қараб юриш керак-да,— деб ўзларининг совуққонликларини оқлашлари мумкин. Лекин йўловчи кўзи ожиз ёки қари бўлса-чи?

Яқинда марказий матбуотда бир мақолани ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, 8 ёшли қизча ўқишдан уйига қайтаётиб, беҳосдан қудуққа тушиб кетган. Аксига олиб ўша куни иссиқлик қувурн ёрилиб кетиб, қудуқнинг ичига иссиқ сув тўлиб қолган экан. Қизча ҳатто тилга олиб бўлмайдиган даражада азобланиб, вафот этади. Фарзанд доғида куйган унинг ота-оналари эса, қаерда оғзи очиқ қолган қудуқни кўриб қолишса, унинг олдига «Огоҳ бўлинг одамлар» дегандек гул қўйиб кетишни канда қилишмасмиш.

Ҳа, таъсирли воқеа. Лекин ачинарлиси шуки, эртага бошқаларнинг бошига бундай савдо тушмаслигига ким кафолат бера олади? Менимча, ҳеч ким.

Тўғри, агарда мана шундай бахтсиз ҳодиса рўй берса, жабрланувчи ўша қудуқ қайси ташкилотга қарашлилигини аниқлаб, уни судга бериши мумкин. Лекин бўлар иш бўлиб, бўёғи синганидан сўнг бунга на ҳожат!

Н. РАФИҚОВ.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Ҳозирги давримизни фақат иқтисодий таназзул билан боғлашади. Бу, асосийси, албатта. Лекин унинг ёнида бошқа таназзуллар ҳам бор. Чунончи, экологик таназзул халқ хўжалигининг ҳамма соҳасидагина эмас, ҳатто она табиатда, бизни ўраб олган атрофмуҳит шу даражада сусайиб, яъни ифлосланиб кетганки, бу ҳаммада, бутун инсониятда катта ташвишга сабаб бўлмоқда. Агар ҳаво, сув ва тупроқни ифлос қилиш, заҳарлашнинг ҳозирги суръати бундан буён ҳам шундай давом этадиган бўлса бутун борлиқ хавф остида қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, айниқса, мутахассислар бонг уришяпти, бу ишнинг чегараси бўлишини таъкидлашяпти,

Биргина тупроқ таркибининг аҳволи ҳақидаги бириккита мисол келтирмоқчимиз. Шуларнинг ўзи ташвишланиш жуда ҳам ўринли эканлигини кўрсатади, деб ўйлаймиз. Масалан, аввалги йилнинг охирларида вилоятимиздаги айрим жамоа ва давлат хўжаликлари худудидаги тупроқ намуналари текширилди. Мақсад улардаги сувда эрийдиган тузлар ҳамда азот қўшимчалари (аммоний, нитрит, нитрат) миқдорини аниқ билиш эди. Вилоятнинг барча минтақаларидаги тупроқ тавсифи ҳақида тўла тасаввур бера оладиган қирқ бешта экин экиладиган, минерал ўғит ишлатиладиган жойдан намуна олинди.

Тупроқдан ажратиб олинган сув таркиби текширилганда ундаги сувда эрийдиган тузлар миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада эканлиги аниқланди. Бу умуман ижобий воқеадир. Бироқ айрим жойлардаги аҳволни ҳеч қаноатланарли, деб бўлмайди. Тошкент, Янгийўл, Чиноз ноҳияларидаги айрим жамоа хўжаликларининг таҳлил учун олинган тупроғи, кам миқдорда бўлса ҳам, шўрланганлиги маълум бўлди. Бу ерда сульфитлар ва қисман хлоридлар оз бўлса ҳам кўпайган эди.

Таҳлил натижасида тупроқ таркибида сувда эрийдиган кальций миқдори кам эканлиги маълум бўлди. Бу ҳолнинг салбий томони бор. Кальций тузининг етишмаслиги, камлиги экилган уруғларнинг унишини қийинлаштиради ҳамда ўсимликлар илдизининг қуришига сабаб бўлади. Бу, албатта, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади.

Ажратиб олинган тупроқ намуналарининг ўғитнинг экин томонидан ўзлаштирилмай қолган таркибида азот ўғитларининг солиштирма миқдори текшириб кўрилганда, у қониқарли аҳволда эканлиги маълум бўлди. Баҳор ойларида олинган тупроқнинг деярли ҳаммасида аммоний азот нисбатан кўпроқ эди.

«ТАБИАТ ВА ИНСОН» ПОЧТАСИДАН

Масалан, Пискент ноҳиясидаги «Пискент» давлат хўжалигидан намуна сифатида олинган тупроқ таркибидаги нитратлар миқдори ҳар килограмм тупроққа 3,85 миллиграммданга тўғри келди. Бу энг кўп даражада йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордагидан олтидан бир қисм кўп эди. «Ўзбекистон ССР эллик йиллиги» жамоа хўжалигининг чопилган майдонларидаги тупроқ таркибида эса аммоний азоти миқдори икки бараварга яқин кўплиги маълум бўлди.

Пахтага турли кимёвий ишлов беришларда авиациядан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, тайёралар ёрдамида турли минерал ўғитлар, айниқса, ғўза баргини тўкувчи дефолиантлар кўп сепиларди. Кейинги вақтда тайёралардан фойдаланиш умуман тақиқлаб қўйилди. Атроф-муҳитни, табиатни мусаффо сақлаш муаммоси шуни тақозо этди. Бу яхши иш бўлди. Ҳаводан сепилган кимёвий моддалардан одамларнинг заҳарланиши кескин камайди.

Бироқ тайёрагоҳлар қолди. Бундай майдонлар кўпчилик жамоа ва давлат хўжаликлари худудида бор эди. Улардаги экологик аҳвол ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тупроқ-ер ва заҳарли химикатлар шўъбаси ходимларининг эътиборидан четда қолмади. Жумладан, Бўка ва Ғалаба ноҳияларидаги собиқ тайёрагоҳларда кимёвий моддаларни сақлаш, тупроқ улар билан қанчалик заҳарланганлиги текшириб кўрилди. У собиқ тайёрагоҳлар тупроғида қолдик пестицидлар миқдори мумкин бўлганидан ўн баравар ва ундан ҳам кўпроқ эканлигини кўрсатди. Ваҳоланки, бу тайёрагоҳларда иш бундан етти йил илгари тўхтатиб қўйилган эди.

Бундан ташқари, Бўка ноҳиясида заҳарли кимёвий моддалар ва улар солинган идишларнинг очиқ ҳавода ётганлиги устидан чиқилди. Шу ердаги карьер ёнида эса эллик-олтмиш тоннача келадиган калий тузи ҳам ташлаб қўйилган эди. Бу заҳарли моддалар ва тузлар қор-ёмғирда эриб, тупроққа сингиб, ерости сувларига қўшилиб кетган, шамолда теварак-атрофга ёйилган.

Юқорида келтирилган камчиликларни табиатни мусаффо сақлаш, атроф-муҳитнинг софлигига атайин путур етказиш мақсадида юз берган, деб бўлмайди. Булар ҳаммаси турғунлик давридан «мерос» бўлиб қолган лоқайдлик, бефарқлик оқибатидир. Лекин бу билан она табиатга зарар келтирилди. Буни айбдорларнинг ўзлари ҳам инкор этиша олмади, айбларини тан олишди. Лекин кейинги пушаймондан ҳеч қандай фойда йўқ, бўлар иш бўлди, қўполроқ қилиб айтилса, табиатга нисбатан жиноят юзага келди. Айбдорлар жазоланди, моддий жарималар тўлашди. Бироқ бу билан зарарнинг ўрни тўлдирилмади. Шундай экан, аввало атроф-муҳитни ифлос қилмаслик ҳақида қайғуриш, бу соҳадаги камчиликлар ва нуқсонларни вақтида пайқаб, бартараф этиш лозим. Қилғилиқни қилиб қўйиб, афсуслангандан кўра унга йўл қўймаслик керак. Ҳамма гап шунда.

М. МАҲМУДОВ.

КЎПЧИЛИК ТАЛАБИ БИЛАН

Ғазалкент виночилик тажриба-синов заводида бундан бир неча ой илгари германиялик мутахассислар ёрдамида «Крекерь» печеньеси (қуруқ печенье) ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Гап шундаки, печенье ишлаб чиқарилишига мослаштирилган дастгоҳ ҳам айнан ГФРдан келтирилган бўлиб, тезда маҳсулотларини бера бошлаганди. Сифатли маҳсулотга талаб ҳам тезда ошиб кетди. Бу эса айни кунларда завод ишчиларининг уч сменали иш тартибини жорий қилишларига сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда корхонада кунига 16—18 тонна печенье ишлаб чиқарилмоқда.

М. ФАТТОҲОВ.

● *Маданий мерос*

ТАГУР ВА ТАГУРШУНОСЛИК

ЧЎЛПОН

1. ТАГУРНИ ҚАНДАЙ ТАНИЙЛАР?

ҲИНДИСТОН ва балки бутун дунёнинг бу кунги улуғ адиб ва шоири бўлган Рабиндранат Тагурни маданий оламнинг ҳаммаси танийдир. Маданий оламга нисбатан анча кетда бўлгон букунги турк-татар шўро жумҳуриятлари халқлари ҳам уни анчадан бери танийдилар. Мундан роса 12 йил бурун (1913 йилда) чиққан «Шўро» мажмуаси дунёда энг ўткур адибга берилатурғон Нубл (Нобель) мукофотининг Ҳиндистонли Тагур деган кишига берилганини ёзиб чиқади. Мундан 6—7 йил бурун Қозон шаҳрида Шарқнинг улуғ шоирлари тўғрисида бир рисолача чиқди, ўша рисолачада, агар янглишмасам, Умар Ҳайём билан бирга Тагурдан ҳам гапирилган ва унинг баъзи-бир парчалари таржима қилинғон эди. Бакуда чиқатурғон «Маориф ва маданият» мажмуасининг мундан 2 йил бурунғи нусҳаларида доктор Саодат томонидан Тагурнинг баъзи бу нарсалари сочма йўли билан таржима қилинди ва ўзи тўғрисида бир оз маълумот берилди.

Бизнинг ўзбек ўқувчилари эса мундан бир йилча бурун «Инқилоб» мажмуасининг бир сонида миллий Тагурдан олинғон «Чироғлар» деган шеърни ўқидилар. Ундан кейин мана бу мажмуанинг ўтган сонида каминанинг Тагур тўғрисидаги мулоҳазаси билан бирга унинг болаларга атаб ёзилғон шеърларини сочма таржимасини кўрдилар. Лекин бизнинг ўзбек ўқувчилар Тагурни кимлигини, зотини ва аслини ҳали била олғонлари йўқ: газета ва мажмуаларнинг ўз сўзи, билан айтсак, ўзбек тилида Тагурнинг таржимаи ҳоли чиққани йўқ. Бу сафарги мусоҳабамиз ўша камчиликни тўлдирмоқ ниятида ёзиладир.

Тагурни таржимаи ҳолини топиш қийин бир иш бўлди. Нимага десангиз, унинг ҳамма асарлари англизча орқали таржима қилиниб, неча мартабадан босилиб турған урус тилида тузук қуруқ бир таржимаи ҳоли йўқ.

Урусча китобларнинг бозори ҳам жуда қизиқ: бир Тагурнинг бир асари неча мутаржим томонидан неча хил таржима қилиниб, ҳар турли ношир томонидан ҳар ном билан босдирилиб чиқариладир. Чунончи, унинг кичкина адабий ҳикоялари энг аввал ўша ҳикоялардан биттасининг номи билан — «Бахтли кеча» бўлуб чиқди, ундан кейин ўша ҳикоялардан битта-яримтаси тушурилиб, ўрнига биттаяримта янгиси қўшилдида, «Янги ҳикоялар» исми билан чиқди, энг охирида яна ўша ҳикояларнинг ўзлари ораларидан биттасининг бўлакча номи билан «Ташна тошлар» бўлуб чиқди... унинг баъзи бир пьесалари ҳам урусча китоблар бозориға неча хил кийим кийиб чиқдилар.

Тагурнинг асарлари устида бўлған ҳангома, унинг ўз тўғрисида ёзилған мулоҳазалар устида ҳам бўлуб келадир. Чунончи, Францияда Тагур билан Гандҳийни (ҳинд миллатчиларининг бошлиғи эди, вафот этди) севган бир адиб бор, исми Ромен Роллан. Бу киши Тагур билан Гандҳийни парастиш қилар даражада яхши кўради. Унинг «Маҳатма Гандҳий» деган китоби, Гандҳий билан бирга Тагурни ҳам осмонларға кўтариб ёзилған нарсадир, ана ўша одам Тагурни французча босдирилған асарлари учун узунгина бир муқаддима ёзиб берганким, у ҳам бошдан-оёқ мақташ билан тўладир. Ана ўша муқаддимани Тагурнинг ўрусча ноширлари «афандининг қўши»дай қиладирлар, яъни: биттаси у муқаддимани бутун ҳолида босдирадир, бошқа биттаси уни бош томонидан бир мунча жойини олиб қўйуб яширадир, яна биттаси чиқиб ундан ҳам кўпрак тушуруб қолдирадир-да, бир чимдим қилиб бостирадир ва ҳоказо...

Бу тўғрида яна битта асл (оригинальный) мисол келтирай: 1925 йилда Москвада босилған қимматбаҳо ва жуда яхши бир китоб бор, исми: «Ҳиндистон, истиқлол учун кураш йўлида» У китоб мақолалар мажмуасидай бир нарса бўлуб, Павлович, Горький, Карамзин ва Вильтман каби шарқият (шарқшунос — К. Т.) олимлари аралашқанлар, Ўшанда Вильтманнинг «Тагур ва Ҳиндистон» деган 23 саҳифали катта бир мақоласи бор. Худди ўша мақоланинг ўзи, бош-оёғи бир оз қирқилғани ҳолда мундан бир ярим-икки ойлар бурун «Ўттиз кун» («30 дней») деган ойлиқ бир мажмуада ҳам ўртоғимиз Вильтманнинг имзоси билан «Ҳинд тасвирлари» («Индийские силуэты») сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Агар янглишмасам, ўша мазмун ва ўша мафҳум мундан бир йилча бурун «Янги Шарқ» («Новый Восток») мажмуасида ҳам яна ўша имзо билан ўтуб эди...

Узун сўзнинг қисқаси шуким, Тагурнинг асарлари ва ўзи устида бўлған шунча ҳангомалар орасидан унинг таржимаи ҳолини топиш жуда мушкул бўлди. Ҳатто, Тагурнинг ўзи ҳам ўз ҳаётига оид ёзған хотираларида бир адабий ҳикоя бошлағандай силлиқ ва текис бир шеър бошлаб кетарди-да, бизга лозим бўлған таржимаи ҳол қолаверади. У хотираларни бошдан-оёқ ўқусақ, Тагурни болалиғидан тортиб сўнгги вақтиғача ўтказган ҳамма саргўзаштини биламиз, лекин қайси йил туғилганини яна билмай қоламиз.

Тагурнинг таржимаи ҳолини тузук-қуруқ топиб ёзған киши, ўрусларнинг тил-адабиёт олимларидан Гурузинскийдир. Унинг 1918 йилда босилған асари бор. У асарда, Тагурни 3—4 асаридан териб олған шеърлари, ўша Гурузинский томонидан ўрусчага тизма (назм) билан таржима қилиниб, босдирилғанлар. Таржима текис, онглар лиқ, равон, лекин оҳанги ва қофия вазни эътибори билан, албатта, аслига тўғри келмайди: буни мутаржимнинг ўзи ҳам айтиб ўтадир.

Ана ўша асарни, сўнгра Тагурга оид ўрусча босилғон бошқа баъзи бир асарларни дастак қилиб туриб, бу сафар мен мажмуа ўқувчиларига Тагурнинг таржимаи ҳолини тақдим қилмоқчи бўлдим.

2. ТАГУР КИМДИР?

1913 йилгача на Оврўпа ва на Руссия, дарҳақиқат, Тагур тўғрисида ҳеч нарса билмайдир, уни ташқир танимайдир. Ҳиндистонни ҳокими ва у ерга «маданият киргизгучи» бўлғон англизлар, унинг тўғрисида ҳаммадан кўб ва ҳаммадан бурун, ҳаттоки Ҳиндистон билан баробар билишлари лозим эди. Ваҳоланки, англизча «мухитулмаориф» (Энциклопедия)нинг 1911 йилги босмасида ҳам Тагур тўғрисида ҳеч нарса йўқ. Ўша зўр асарнинг «Т» бобини бошдан-оёқ қараб чиқинг, Ҳиндистоннинг тил ва адабиёти тўғрисида ёзилғон жуда кўб мақолаларини ўқуб чиқинг, яна Тагур тўғрисида ҳеч нарса топа олмайсиз. Ҳолбуки, Тагурнинг шеър майдонида ишлай бошлағонига ўша вақтда 30 йил бўлғон ва у ўз ватанида улуғ шуҳратга эга эди.

Оврўпа уни биринчи маротаба 1913 йилда танийдир. У йилда унинг «Гетанжалий» деган муножатлари мажмуасининг англизча таржимаси босилиб чиқадир. У таржимани Йайтс (Иетс) номли бир англизнинг ёрдами билан шоирнинг ўзи қилғон. Асарга, ҳалиги англиз бир муқаддима ёзиб, шоирни асарини осмонларға кўтарадир ва ҳинд шоири тўғрисида кўлгина маълумот берадир.

Англизча таржимаи ҳол мажмуаларидан биттасининг 1915 йилда берган маълумотига қарағонда «Рабиндранат Тагур, Калькутта дорилфунунининг адабиёт доктиридир. 1861 йилнинг 6 нчи майида магарши (аллома) Дибиндранат Тагурнинг сулбидан дунёга келган, Дуарканат Тагур деган шаҳзоданинг набирасидир. 1885 йилда (24 ёшида) уйланган[1]. Бир ўғли ва икки қизи бор. Бенгалия вилоятида Болдим замонлардан бери Оврўпа билан муносабат қилиб, унинг ирфонини ўрганиб келган. Рабиндранатнинг катта бобоси Дуарканат Англия ва Францияга бориб, ўша вақтнинг қироллари (Виктория ва Луи Филиппар) билан лақабланган, ўзининг таржимаи ҳолини ёзғон ва у асар англизчада таржима қилиниб босдирилғон. Унинг бир биродари шуҳратли рассом бўлуб, ҳунарлари Англиянинг расм кўргазмаларига чиқадир. Яна бир биродари Суриндрамагун, 1875 йилда Калькуттада ҳинд мусиқаси тўғрисида англизча бир китоб бостиртирғон.

Тагурнинг энг катта ва Шарқ руҳи билан Ғарб асосини бирлаштирган асари Шанти Никитанда очқон мактабидир. У мактаб 1901 йилдан бери давом қиладир ва ўзи ўрмонлар орасида, отасининг ёлғиз қолиб ўйлашни севган жойида очилғондир. Дарахтлар орасиға томи майса кўкатлардан ёпилгон олачуқлар (капалар) тикилган, улар шогирдларининг ётоқхоналаридир; муаллимларнинг уйлари ҳам ўшанда, шогирдларнинг адади 200 га етадир. Мактаб, тамоман ҳинд тарзидадир, ўқитувчи ва ўқувчилари — кийим, яшаш, урф-одат ва онглаш жиҳатидан асил ҳиндийлардир. Дарслар очиқ ҳавода бўладир. У мактабга Англия ҳукумати моддий ёрдам бермакчи бўлғонида, Тагур рад қилғон ва мунинг сабабини шоирнинг ўзи бир зиёратчига тинч бир жилмайиш билан жилмайиб туруб, мана шундай кўрсатган: «Улар менинг болаларимни оскамия (курси)ларда ўлтуришға мажбур қилар эдилар, менинг фикримча улар дарахтлар остида ва бўйралар устида ўлтуруб ўқувсалар яна яхшироқдир». Мактабда шу миллий хусусиятлардан бошқа, бу кунги ғарб мактабларининг меҳнат ва муҳторият асоси ҳам татбиқ қилинадир. Чунончи: уй ишларининг ҳаммасини тарк ювишгача болаларнинг ўзлари қиладирлар, рўзғор, хўжалиқ ишларини болалар орасидан сайланғон қўмита бажарадир, мактаб мудирини ҳам муаллимлар ўз ораларидан сайлайдилар. Тартиб ва интизомни катталар суди билан кичиклар суди амалга қўядир ва иккаласи ҳам сайланиб қўйилади.

Тагурга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда қаттиғ бўлған. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўғрисида кўб учратиладир. 1885 йилда биродарининг хотини ўладир. 1902 йилда хотини, ўғли ва қизи ўладир; 1905 йилда кичик ўғли ва отаси ўладир.

Тагурнинг шеърлари — ҳаммаси дегундай куйли, куйлари ҳам халқ куйи. Унинг ҳар шеъри ўз куйи билан халқ орасида ўқиладир, у ўз шеърларига куйлар ҳам топадир, нота ҳам ёзадир. Бу улуғ киши тўғрисида узунроқ ёзишни бironта жиддий асари чиқар вақтқа қолдириб, бу сафар унинг бир ашуласини тизма йўли билан таржима қилиб берамиз.

(Маскав) 1926.
«Маориф ва ўқутғувчи» журнали, 11—12-сонлари, 69—74-бетлар.
Комил ТУРСУНБОЕВ нашрга тайёрлади.

[1] Бир ривоятда 1883 йилда уйланган — (Чўлпон)
[2] Тагур — англисча айтилишидир, асл бенгалча, ҳиндчаси «К» билан Такурдир — (Чўлпон)..

(Р. ТАГУРДАН)

ҲОЙ, ЙЎЛОВЧИ ҚИЗ!

ҚУШУҚ

Мен биламен,
оҳ биламен сени,
Ҳой, йўловчи қиз!
Денгиздан нари
маъбадинг сени,
Ҳой, йўловчи қиз!
Кўрдим: Куз фасли — тонг отар чоқда.
Кўрдим: Кўкламда — ой ботар чоқда,
Кўрдим: Қалбимда — сирлик учмоқда,
Ҳой, йўловчи қиз!
Йироқ кўкларга кўзни соламен,
Қўшуқларингни тинглаб қоламен
Сенинг йўлларингда қурбон бўламен,
Ҳой, йўловчи қиз!
Бутун дунёни кездим мен... мана,
Келиб турубмен белгисиз йўлга,
Эшигинг олдида меҳмонман сенга,
Ҳой, йўловчи қиз!

ЧЎЛПОН,
Қўқон, 15 февраль, 1925.

ЁШЛАР ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

● *Ишчи ворислари*

Яқинда Оҳангарон шаҳрининг деҳқон бозоридаги расталарда қизчаларнинг кийимлари, аёлларнинг уй халатлари, бошқа рўзғор буюмлари билан савдо қилувчи ёшлар пайдо бўлди. Уларнинг олдидан харидорлар аримай қолишди. Сотилаётган матоҳлар ҳам унчалик қиммат эмас, дўконлардаги нархларнинг ярмисига тўғри келади. Лекин сифати яхши. Мен уларнинг сотувчилари билан қизиқдим.

— Биз шу ерликмиз, — дейишди қизлар, — 23-ҳунартехника билим юртиданмиз, ўзимиз тиккан намуналарни сотяпмиз.

Шу кичик савдо баҳона бўлди-ю, 23 ҳунар-техника билим юртига бордим. Катта уста Абдумалик Йўлдошев салом-аликдан сўнг, мени тикувчилар тайёрлайдиган гуруҳнинг хонасига бошлади. Бу ерда қизлар моҳир муаллима Э. Пак раҳбарлигида тикиш-бичишни ўрганибгина қолмай, ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни район маниший-хизмат корхонаси орқали сотувга ҳам чиқаришмоқда. Бозорда айниқса, Мамлакат Қурдошева, Светлана Полушкина ва Елена Федоровалар тайёрлаган кийимларнинг чаққон ўтаётганлигини бу ерда алоҳида таъкидлашди. Кейин бош уста билан дурадгорлик хонасида бўлдик. Кичик андавалар, пол ювгичлар, сандиқчалар ясаётган болаларни кўриб кўзимиз қувнади. Билим юртининг уста ўқитувчилари В. Юсупов ҳамда М. Мансурхоновлар раҳбарлигида ҳунар ўрганаётган бу ёшлар фақат ўтган ярим йилнинг ўзида билим юрти жамғармасига 5800 сўмдан кўпроқ маблағ ишлаб беришибди. Маъмуриятнинг кафолат беришича, ана шу маблағнинг 2000 сўми ўқувчиларнинг ўзларига иш ҳақи сифатида тарқатилар экан, қолгани ўқув даргоҳи учун асбоб-анжомлар, қўлланма воситалар сотиб олишда фойдаланилади.

Билим юртининг пайвандчилар тайёрлайдиган гуруҳида 30 дан ортиқ бола таълим олмоқда. Дилмурод Пирназов, Дилшод Мўминов сингари ўқувчилар тайёрлаётган ускуналар сифатлилиги билан бошқаларникидан ажралиб туради. Ўтган қисқа муддат ичида билим юрти талабалари кучи билан 420 га яқин турли катталикдаги металл дарпардалар яратилиб, харидорларга сотилди. Бундай ибратли мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Билим юртида ўқувчилар дурадгорлик, пайвандчилик, автослесарлик, тракторчилик, ошпазлик, тикувчилик, чилангарлик ва пармалаш касбларини ўрганаётирлар. Таълим олаётган 700 нафарга яқин ўқувчиларнинг ҳаммаси келгусида малакали усталар бўлиб етишиш учун интилмоқда. Улар ўқиш, ҳунар эгаллаш билан биргаликда билим юртининг шахсий хўжалигида ҳам ишлаб тажриба орттирмоқдалар. Бу ердаги бешта юк ташувчи трактор, тўртта ҳайдов трактори, 6 та автомашина билан аҳолига ҳам хизмат кўрсатилмоқда. Ана шу техника ёрдамида ўқувчилар 30 гектар майдонга кузги буғдой сепиб олишди. Ғаллани эса ҳар йили талабаларнинг ўзлари комбайнлари билан йиғиб оладилар.

Ёшларда ўз касбларига меҳр уйғотишда билим юртини битириб кетган собиқ талабаларнинг тез-тез ҳозирги авлод билан учрашувлар ўтказиб туриши муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчилари Фарҳод Ҳусанов, Одил Йўлдошев, Абдулла Қурдошев ва Баҳром Ўролов мазкур ўқув муассасасининг кечаги шогирдлари сифатида билим юртида учрашувлар ўтказиб турадилар. Уларга ўз ишлари ҳақида сўзлаб берадилар.

— Биз муаллим ва усталардан жуда ҳурсандмиз, — дейди бирлашма муҳандиси В. Ҳолин. — Билим юрти бизнинг ишхонамизга ҳар йили 50 дан ортиқ малакали ишчи кадрлар етиштириб бериш билан чегараланиб қолмасдан, буюртмаларимизни ҳам бажонидил бажариб бераётир. Ўз навбатида биз улардан амалий ёрдамимизни аямаймиз.

Ўқув юрти директори Руфат Авясов бизга мавжуд муаммолар, келгусидаги ишлар ҳақида гапириб берди. У эндиликда қишлоқ хўжалик жамоалари учун ҳам кадрлар тайёрланаётганлигини таъкидлаб, «бизга район раҳбарлари яна ер ажратишда ғамхўрлик кўрсатишларини истардик» деди. Чунки қишлоқ хўжалиги мутахассисларини ерсиз, тракторсиз, чорвасиз ёки боғларсиз тайёрлаб бўлмайди. Директор ноҳиядаги айрим ташкилотлар, хусусан умумий овқатланиш корхоналари мазкур ҳунар-техника билим юртида ошпаз ва қандолатчилар тайёрланаётгани ҳолда бундай касб эгаларини бошқа шаҳарлардан олиб келишаётгани тўғри бўлмаяпти, дея таъкидлади.

Ўқув юрти райондаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси билан шартнома тузган. Бу ҳужжатга кўра у ўз зиммасидаги вазифаларни бажариб келмоқда. Лекин комбинат эса шартларни бажаришга риоя қилмаётир. Натижада билим юртининг кабинетларидаги айрим тикув машиналари вақтида созланмайди. Тикиш учун материал танқислиги ҳамон сезилиб турибди, билим юрти ётоқхоналарини жиҳозлаш, ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш ишлари ҳам айрим оталиқ ташкилотларининг айблари билан яхши йўлга қўйилмаган.

Оҳангарондаги 23-ҳунартехника билим юртининг истиқболи бор. Келгуси йилдан бошлаб унда малакали ишчилар тайёрлайдиган гуруҳларнинг сони ҳам, турлари ҳам кўпаяди. Агар райондаги барча хўжаликлар, саноат ва қурилиш ташкилотлари билим юртига амалий ёрдам берсалар бу ерда ишчи ворисларини тайёрлаш янада яхшиланиши шубҳасиз.

Мўмин ҚАЮМ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТОЖИКИСТОН ОЛТИНИ

ТОЖИКИСТОН миллий банкига 81 килограмм олтин келиб тушди. Илгари қимматбаҳо хом ашё Россия заводларидан бирида кондициясига етказиларди, шундан сўнг собиқ СССРнинг давлат хазинасига тушарди. Эндиликда республикада қазиб олинаётган олтиннинг ҳаммаси Тожикистон бойлиги бўлиб қолади.

ЧЕТДАН ҒАЛЛА СОТИБ ОЛИНАДИ

Беларусь Вазирлар Кенгашининг жаҳон бозоридан камида 2 миллион тонна ғаллани сотиб олмоқчи бўлганлиги тўғрисидаги қарори Минскда маълум қилинди. Ғаллани харид қилиш чет эл кредитлари ҳисобига эмас, балки Беларусь корхоналари маблағлари ҳисобига бўлади.

ЧЕКЛАШЛАР КЎПАЙМОҚДА

ЎТА тақчил моллар ва маҳсулотларни Россия федерациясидан ташқарига посилка қилиб жўнатиш ва олиб кетиш борасидаги чеклашлар кўпаймоқда. Ҳозир қарийб 60 номдаги буюмларга ана шундай чеклаш жорий қилинган.

Б. ЕЛЬЦИН ҲАДЯСИ

РОССИЯ Президенти Б. Ельцин 10 минг долларлик қалам ҳақини Нижний Новгороддаги академик Сахаров музейи жамғармасига берди. Бу пуллар унинг чет элларда нашр қилинган китоблари учун олган қалам ҳақининг бир қисмидир.

ВДНХ ЎРНИДА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмаси (ВДНХ)нинг жаҳонга машҳур бўлган иншоотлари ва майдони ўрнида «Бутунроссия кўргазма маркази» деб аталган акционерлик жамияти ташкил қилинадиган бўлди. 30-йилларда бу ерда ғаллакорлар ва чорвадорлар мусобақалашарди. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасига мамлакатнинг ҳамма ерида деҳқончиликда эришилган улкан ютуқларни кўз-кўз қилувчи намуналар олиб келинарди. Кейин бу ерда қардош республикалар ўз кўргазма павильонларини ташкил қилгандилар. Қисқаси, кўргазма мамлакатнинг илғор тажриба мактаби сифатида иш кўрганди.

ҒАРБНИНГ МОЛИЯВИЙ ЕРДАМИ

Ғарбнинг етакчи саноат мамлакатлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоларига молиявий ёрдам беришга тайёргарлик кўрмоқдалар. Вашингтонда 25 январда очиладиган «еттилик» мамлакатлари молия вазирлари ва марказий банкларининг бошлиқлари учрашувида ана шу масала юзасидан аниқ шартлашиб олинмоқчи.

КОНЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ВОРКУТА шахтерларининг Россия Олий Кенгаши Раиси Руслан Хасбулатов билан учрашуви бўлди. Унда кўмир қазиб чиқарувчилар ҳукуматни танқид қилган парламент бошлиғини қўллаб-қувватлаганликларини изҳор этдилар. «Халқнинг устида тажрибалар ўтказавериш етар», — учрашувда билдирилган асосий фикр шундай бўлди.

ГАМСАХУРДИА АРМАНИСТОНДАН КЕТДИ

15 ЯНВАРЬ куни кечқурун ниҳоятда маҳфий шароитда Ереваннинг «Звартноц» тайёрагоҳидан Грузия авиакомпаниясига қарашли ТУ-134 самолёти парвоз қилди. У Звиад Гамсахурдиа ҳамда унинг оила аъзолари ва ҳамроҳларини (жами 35 киши) Арманистондан олиб кетди. 12 январдан буён Ереванда турган Чечен Республикаси Президенти Ж. Дудаевнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ҳам Грузия Президенти билан бирга учиб кетди. Шунинг учун бу ерда Гамсахурдиа Грознийга бораётган бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

● ЭЪЛОН

Янгийўл озиқ-овқат техникуми томонидан АҲМЕДОВ Рамзиддин номига берилган НТ2—I № 249527 рақамли диплом ёнғин натижасида куйиб кетганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• *Йил якуни таҳлили*

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНЯПТИМИ?

Малик МУРОД, профессор.

ҚАДРИЯТ! Бу сўз қанчалар ширин, азиз ва табаррук. Шу сўзни тилга олар эканман, азизларимнинг азиз суханлари хотирамда тикланади.

— «Қадриятларимиз қадрига етинг, кам бўлмайсиз болам!». Қадриятларн қадрига етмаган, уларни оёқ ости қилишларига йўл қўйган киши охири хароб бўлади, — дерди раҳматлик падарбузрукворим Мулла Муродилла қори Зиёдулла ўғли. Ҳақ гап.

Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман. Оч қолсанг —тўйишинг мумкин, бугун устинг юпун бўлса эртага бутун бўлар. Аммо қадрингни топтасанг, ё уни ерга уришга йўл қўйсанг, нотавон бўлиб қоласан. Ҳа, қадриятдан ортиқроқ нарса йўқ, у — ор-номус, имон, виждон, эътиқод, — деб таъкидларди волидан мукаррамим.

Қадрият тушунчасини она днёримиздан узоқ ўлкада — Африқо қитъасида чуқурроқ, теранроқ англадим. Ҳеч нарсани у билан тенглаштириб бўлмас экан. Айниқса, қадимги анъаналаримиз, яъни қадриятларимиз аждодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо ва бетакрор меросининг қадри нақадар буюк эканлигини мусофир юртларда яшаганингда янада яққолроқ ҳис қиласан, — деган эди. Танзания республикасида бир неча йил ишлаб қайтган оғам Абдул Ваҳоб Муродилла қори ўғли.

Ҳа, қадр, қадрият тушунчалари энг муқаддас, энг мўътабар ва ҳар қандай киши пок сақлайдиган, ғубор юқтирмайдиган буюк тушунчалар бўлганлиги қадим-қадимдан аён. Ана шу сўз инсоннинг инсонлигини белгилаган. Кишининг кимлиги унинг ўз қадрига, қолаверса, халқи қадриятларига муносабати билан аниқланган. Ҳа, қадр, қадриятлар инсонийлик мезони. Уларнинг қадрига етмаслик, асрамаслик, эъзозламаслик гуноҳи азим...

Хўш, қадрият тушунчаси асосида нималар ётади? Нега инсонлар қадриятларини имон-эътиқод, орият, ор-номус, виждон, инсонийлик, поклик, юксак аҳлоқ-одоб билан боғлайдилар, уни юксакликдан туриб юксак даражада баҳолайдилар, муқаддаслаштирадилар? Нима сабабдан кишилар қадрият йўлида қалтис ишларга ҳам бел боғлайдилар, жасорат, мардликлар кўрсатадилар, хайрли, савобли юмушларга ўзларини урадилар? Ҳатто керак бўлса, ўз ҳаётларини тикадилар. Қадриятлар оёқ-ости бўлмаслиги учун одамларнинг ўлимга тик борганликларининг боиси нимада?

...Бир аёл ўзига ўт қўйган эди. Нега бундай қилибди?— деб сўрадик.

ҚАДРИНИ ОЕҚ-ОСТИ ҚИЛИШМОҚЧИ ЭКАНДА!— деб жавоб беришди. Қадрият инсон билан бирга пайдо бўлган, дейиш мумкин. Одатда ҳазрати инсон билан ҳайвон орасидаги фарқ ҳақида гап борганда тил, тафаккурни мисол келтирадилар. Мен бу қаторига ҳеч иккиланмасдан қадр, қадриятларни ҳам қўшган бўлардим. Зеро, қадрини билмаган, қадриятлари қадрига етолмаган кишининг ҳайвондан фарқи йўқ-да! Англашиладики, инсон ўз қадрини билиши, англаши, аждодлари қолдирган ва такрор айтамиз, ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо, бетакрор мероси — қадриятларини эъзозлаши билан бошқа мавжудотлар, жумладан ҳайвондан фарқланади. Бу ҳақиқатни, айниқса, ўз тарихи ва ўз аждодлари анъаналаридан узилиш бўлган, қадриятлари мислсиз қадрсизлантирилган, оёқ ости қилинган, топталган, камситилган, бир неча ўн йилларда салкам манқуртга айланиб қолган бизнинг кейинги авлод яхшироқ англамоғи, ҳис этмоғи, кўпроқ ўйламоғи зарур.

Таъбир жоиз бўлса, қадрият аждодларимизнинг бизга кўз қорачиғидек асра, ривожлантир деб қолдирган панду насиҳатлари, йўл-йўриқлари мажмуаси ва ҳатто айтиш мумкинки, васиятномасидир. Муайян халқнинг қадр-қиммати, миллийлиги, донишмандлиги, фаҳм-фаросати ю ақл-идроки унинг доимий ривожланиб борувчи анъаналарида намоён бўлади. Қадимий ва ақлирасо туркий халқлар, шу жумладан ўзбекларнинг бош-оёқ ақл-идрок, қуюқ фикр асосида қурилган удумлари, маросимлари Она халқимизнинг бамисоли жонли дарслигидир. Ана шу ҳар саҳифаси ибратли дарсликдан қанчалик баҳраманд бўлсанг, унга амал қилсанг, энг муҳими —уни камситмасанг, оёқ-ости қилмасанг камол топасан, келажак авлод олдида юзинг ёруғ бўлади...

Азиз муштарийлар, энди қадриятларимизни белгиловчи кўплаб удумларимиздан айримларини аниқ мисолларда кўриб ўтайлик. Ибратли қадриятларимиздан бири — экология билан боғлиқ халқона фалсафадир. Жуда қадимий асосга эга бўлиб, ёруғ оламдаги ҳар бир гиёҳ, ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг муқаддаслиги, яратилиши, қадри, аҳамияти ҳақидадир.

Бир савол туғилади: «Нега энди табиат ҳодисаларию, неъматларининг кўпчилиги муқаддаслаштирилган?». Биз масаланинг диний, руҳий хусусиятларига тўхталиб ўтирмай, экология билан боғлиқ томонларини қараб ўтамиз. Бизнинг фикримизча, аждодларимиз бирор гиёҳ ёҳуд қушни, тоғ ё тошни, булоқ ё дарахтни илоҳийлаштирар, ёҳуд табарруклаштирар экан, аввало мувозанатни сақлашни назарда тутганлар. Шу сабабли ҳам фақат яхши нарсаларнигина эмас, ҳатто илон, чаёнлар ҳам тимсоллаштирилиб, уларни йўқ қилиб юбормаслик уқтирилади. Ҳар бир қуш, дарранда, гиёҳ, ўсимлик, дарахт муқаддасдир, инсон уни авайлаб-асраб, ўрнида фойланиши керак, деган доно фикр қатор халқона асотирлару афсона — ривоятларга сингдирилган. Афсуски, биз халқимизни, биринчи навбатда ёшларимизни ўнлаб йиллар давомида ана шу асотирлару қадриятлардан бенасиб этдик, қадимий урф-одатлар, удумларни унутганимиз боис, табиатнинг неъматлари ва ҳодисаларига бефарқлик сабабли муҳитни дунё дунё бўлиб кўрмаган ҳолатда ифлосладик. Натижада даҳшатли экологик муаммо майдонга келди. Халқ қадимдан муқаддас, табаррук деб билган кўплаб ўсимликлар, гиёҳлар, қушлар, ҳайвонлар қирилиб кетди. Бугина эмас. Булоқларнинг кўзи юмилди, дарахтзорлар қуритилди, бебаҳо меъморий обидалар бузиб ташланди, дарёлар ўзани ўзгартириб юборилди, муқаддас қадамжолар топталди.

Ота-боболаримиз табиат билан ниҳоятда эҳтиёткорона муносабатда бўлганлар. Ўсимлигу тоғу-тош, дарахтларга жонли нарсадек муносабат қадимдан анъана эди. Зеро, улар тўйдиради, ҳаёт ато этади. Чунончи, бирон бир мевали дарахт ҳосил бермай қўйса ёҳуд мевадан қола бошлаб, кам ҳосил бўлиб қолса, уни эгаси арра, болта кўтариб кесмоқчи бўлар, қўлидаги асбоб билан уриб-уриб қўяр-ди, яъни: «Ҳосил бермасанг, сени кесиб ташлайман», деб қўрқитади. Буни кузатиб турган кишилар: «Ҳой ака, дарахтни кесманг, кесманг, келаси йил кўп мева беради» деб туришарди. Бу одат асосида кўринган дарахтни ёҳуд мевадан қолганини бекордан-бекорга кесаверма, ҳар бир дарахтга зўр ҳурмат, эътибор билан қара, уни асраавайла, авлодларга мерос сифатида қолдир, деган баҳоят халқона анъана, қадриятлар ётишлигини ақли расо кишиларнинг англаб олишлари қийин эмас. Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин.

Халқимизнинг: «Мевали дарахтга тош отма», «Меваси бор дарахт — хосияти бор дарахт», «Олма, ўрик, тут меваси — касаллик давоси» каби ҳикматли сўзлари, мевали, соялари дарахтларни ҳосиятли санаб, муқаддаслаштирилиши лар қилиш каби анъаналар таг-заминида ҳам табиатни асраш, сақлаш, унга зуғум қилмаслик мақсади ётади!)

Шуни айтиш керакки, халқимиз гул, хина, сунбула, саримсоқ, зуҳрасоч, тўдона, седана, қалампирмунчоқ, зира, пиёз, тасбеҳ, ҳасса-муса, кўз тикон, ҳамиша баҳор каби гиёҳлар, ўсимликлар, буғдой, пахта, шоли, арпа, сули, макка, оқжўхори, қўноқ, мош, ловия, зиғир сингари экинларни илоҳийлаштирганликларида ҳам уларни сақлаб қолиш, пайҳон бўлиб кетилишидан ёки эсдан чиқиб, унутилиб, экилмай қолишдан асраш маъноларини англаш лозим.

Қадриятларимиз орасида оила, таълим-тарбия, маънавият, руҳият билан боғлиқлари ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, ҳайр-садақа, закот. Шунингдек, бизнинг даврда диний деб таъқиб қилинган қатор анъаналар ва одатларга тааллуқлилари диққатга сазовор. «Дарвешона», «Шамол чақириш», «Ёмғир ёғдириш», «Селни тўхтатиш», «Оловдан сакраш», «Ёр қиз», «Е, рамазон», «Мушкулкушод», «Лайлатулқадр», «Тешик тошдан ўтиш», «Қумсайли», «Туш таъбири», «Бозори шаб», «Йил боши», «Таёқ ташлаш», «Пир тутиш», «Пайғамбар ёши», («Пайғамбароши»). «Биби сешанба», «Энчи мол аташ одати», «Қарзи Ҳасана», «Хатна тўй», «Кўз қайтариш» каби удумлар, одатлар ҳам даставвал инсон қадриятларига тааллуқлидирлар. Табиатни эъзозлаш билан боғлиқ бўлган анъаналар — булоқлар, сойлар, ғорлар, шаршаралар, қоялар, ўнғирлар, даралар, тепаликлар, қўрғонлар, қудуқлар, карвонсаройлар, қалъалар, шаҳарлар табарруклаштирилиб, қадамжоларга айлантирилганлигини инсон билан борлиқ мувозанатини сақлаш деб айтиш мумкин.

Афсуслар бўлсинки, бундай анъаналарнинг кўпчилиги диний (демак, зарарли) деб эълон қилинди. Аслида дам олиш, поклиниш, руҳий озиқ олиш, қисқаси ўзига хос мўъжиза, табаррук маскан бўлган бундай ерларга халқ яқинлаштирилмади, бориш-келиш таъқиқланди, баъзилари бутунлай бузиб ташланди, яна айримлари гўё «ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ» баҳонасида кавланиб, ағдар-тўнтар қилинди. Зеро, дўпписини олиб кел деса, бошини узиб келадиган баъзи олимлардан тортиб, юртнинг каттакичик тўраларигача бу ёвузликни ленинча таълимот, коммунистик партиянинг кўрсатмалари асосида амалга оширдилар. Ўша таълимотлардан баъзи бирлари: **«Традиция улуғ тўрмоздир, тарихдаги энергия кучидир. Лекин у фақат пассив бўлгани учун халоқатга маҳкумдир».**

(Ф. Энгельс. Қаранг К. Маркс, Ф. Энгельс «Дин тўғрисида» Тошкент, 1956, 259-бет).

Бошқа бир марксист-ленинчи Н. К. Крупская:

«Атеистик тарбияни, ҳатто, боланинг боғчадалик давридан бошлаш керак», деб «башорат» қилган эди. (Н. К. Крупская, Атеистик тарбия масалалари. Тошкент, 1966 107—110 бет).

Ана шу марксист-ленинчи арбоб мактабда олиб бориладиган атеистик тарбия масаласида янада ҳаддидан ошади, унинг энг актуал форма ва методларини ишлаб чиқади, динга қарши тарбияни, демак қадриятларга ҳужумни бутун ўқув йили давомида режали ва мунтазам равишда олиб борилишини талаб қилади... Ана шундай «доҳий» ва «доҳийвачча»ларнинг жонбозлигию «жанговор» таълимоти натижасида яқин-яқинларгача қадриятларимиз, халқ ибораси билан айтганда, ҳўл ҳам қуруқ ҳам баробар ловуллаб ёнаверди, ёнаверди, ёнаверди»... Унинг ўрнини қоплаш учун ҳали кўп меҳнат қилишга, тер тўкиб ишлашга тўғри келади.

Фикри ожизимизча, Шарқона, шу жумладан ўзбекона маънавий ва руҳий қадриятларни қадрлаш, асраш, ривожлантиришни болалар боғчаларининг энг кичик гуруҳлариданоқ бошлаб, болаларга сингдиришнинг энг долзарб, шакл-шамойили, метод, йўл-йўриқларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва амалда олиб бориш, мактаб ва олий билимгоҳларда дарс соатлари сифатида ўтишни қатъий белгилаш, умуман бу соҳада даъвату ташвиқот ишларини ҳар томонлама чуқур ва атрофлича олиб бориш зарур. Энг асосийси, кишиларни, хусусан ёшларни тарбиялашда халқнинг ўзи айтганидай, «қадрлаган қадр топади», тарзида иш тутмоқ лозим.

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

1 — МАҚОЛА

МУАЛЛИФДАН:

(Ушбуга бериладиган қалам ҳақини «Узпромстройбанк» қошидаги МФО 172682310 р-ц 300 166910 Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) 700104 — ҳисоб рақамига ўтказилишини сўрайман).



● **Янгийўллик Насрид дин ота Собиров ва Абдусалим ота Давировлар кўпни кўрган, пиру-бадавлат, ўнлаб неварачевараларнинг севимли боболаридир. Отахонлар ўзаро борди-келди қилиб туришади. Мана, эски қадрдонлар яна дийдор кўришишди.**

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

БУЛАР ҲАҚИДА КАМ ЕЗИЛАДИ

КЎПНИНГ РАҲМАТИНИ ОЛМОҚДА

БУГУН аввалги бир ёқламаликлардан бироз чекиниб, одатда рўзномаларда камдан-кам ёзиладиган касб эгаси ҳақида ҳикоя қиламоқчиман.

Исомхон Қосимовни ўз касбига садоқатли, ҳалол инсонлардан бири десак янглишмаймиз. У 1972 йилдан буён ошпазлик қилиб, бу давр мобайнида ўз ишининг ипидан игнасигача пухта ўрганди. Шу туфайли ҳам Ангрен шаҳридаги 19-ошхонага қарашли тармоқлардан бирида у амалга ошираётган ишлардан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар, маҳсулотлар танқислигига қарамасдан шу кунларда ҳам бу ошхонада лаззатли таомларни тановул қилишингиз мумкин. Тадбиркорлик билан иш олиб бораётган бош ошпаз И. Қосимов шу ҳудуддаги жамоа ва шўро хўжаликлари билан шартномалар тузиб, масаллиқлар таркибини яхшиламоқда, хўрандалар учун қулайликлар яратмоқда. Яқинда унинг ҳаракати билан ошхонани кенгайтириш ҳамда яхшилаш учун қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда И. Қосимов бошлиқ жамоа ҳам кўпнинг раҳматини олмоқда, ҳам ражаларини ошириб бажармоқда. Мабодо Ангрен томонларга йўлингиз тушса, бу ошхонага, албатта кириб ўтинг. Гапимизга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Т. ШЕРАЛИЕВ, жамоатчи мухбир.

МИННАТДОРЧИЛИК

ҚЎЛЛАРИ ЕНГИЛ ЭКАН

Ўтган йили май ойида тўсатдан икки оёғим ишламай қолди. Колхоз шифохонасида даволана бошладим. Негадир, бери қарамадим. Шунда шифокор Машраф Мамадалиев касаллик орқа миямда эканлигини айтиб, жарроҳлик йўли билан даволаш керак деган хулосага келди ва мени Тошкент вилоят шифохонасига йўллади. Бу ерда Анвор Хубиев, Тоҳир Аҳмедовдек жонкуяр дўхтирлар, Комила, Маржон, Ўлмас, Гули каби ширин забон ҳамширалар устимда парвона бўлиб жонимга оро киришди. Улар мени оғир хасталиқдан ҳоли қилдилар. Энди яна фарзандларимга бошқош бўлиб юрибман. Ана шу ҳалоскорларимга раҳмат дейман. Ўзлари ҳеч дард кўришмасин. Ишларида ҳамиша ютуқларга эришаверишсин.

Г. САРИХУЖАЕВА, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоси.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **УКРАИНА** бош вазири Витольд Фокин Греция пойтахтига бир кунлик расмий ташриф билан келди. Бу сафар чоғида Греция бош вазири Константинос Мицотакис ҳамда мамлакат президенти Константинос Карамаилислар билан учрашувлар бўлиб ўтади. Бу мулоқотлар пайтида ўтган йили Киевда назарга олинган Греция билан Украина ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликка доир шартнома имзоланади, деб кутилмоқда.

● **ШУ ҲАФТА** охиригача Америка Қўшма Штатларининг Германия Федератив Жумҳурияти ҳудудида жойлашган икки дивизияси жойлашган маскан пештоқидаги байроқлар туширилади. Бу маросим Америка қуролли кучлари Оврўпода қисқартирила бошланди, деган маънони англатади. Ҳозирги пайтда Германияда АҚШнинг тўртдан ортиқ ҳарбий дивизияси фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин йиллар ичида уларнинг сони фақат никита бўлиб қолади. Шу тариқа Америка маъмурияти ўз қўшинларининг Оврўпо қитъасидаги сонини амалий равишда озайтира бошлади.

● **МЬЯНМА** (собиқ Бирма) маъмурлари ўз қўшинларини мамлакат чегаралари томон йўналтира бошладилар. Бангладеш, Ҳиндистон ҳамда бошқа давлатлар билан чегарадош ерларда қалтис вазиятларнинг вужудга келиши Мьянма маъмурларини ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга ундамоқда. Мьянманинг Бангладешдаги дипломатия ваколатхонаси вакилининг айтишига қараганда, маъмурият «миллий хавфсизлик»ни таъминлаш» мақсадида юқоридаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Мамлакат ичкарисида исёнкор мусулмонларнинг қуролли чиқишлари ҳамда хорижий қўшин мамлакатлардан Мьянма ҳудудига қонунсиз равишда киришга уринишлар сезгир бўлиб туришини тақозо этмоқда.

● **МИЛЛИЙ** муаммоларга бағишланган умумхитой нишчи кенгашида сўзга чиққан Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош котиби Цзян Цзэминь халқаро миқёсда бўлиб ўтаётган алғов-далғовли ўзгаришлар Хитой тавлаб олган асосий йўлга таъсир ўтказа олмайди, деди. Шунингдек, Цзян Цзэминь Хитой хань шовинизмига, шунингдек, маҳаллий миллатчиликка қарши баб-баравар қарши кураш олиб бораверади, деб таъкидлади.

● **МАЪЛУМКИ,** жаҳон ахборот воситалари хабарларида яқинда Филиппин ҳудудида жойлашган АҚШнинг Субикбей ҳарбий базаси ёпилганлиги ҳақида маълумотлар босиб чиқарилган эди. Мамлакат бўйлаб қилган сафаридан қайтиб келганидан сўнг Филиппин президенти Корасон Акино мазкур база жойлашган ер эркин денгиз портига айлантирилажаклигини айтди. Бундай тадбир, деди президент, бошқа мамлакатлардан келадиган кемаларни қулай қабул қилиш ва тиҳоратни ривожлантириш имкониятини беради.

● **КЕНИЯ** пойтахти Найробида яна бир янги партиянинг таъсис этилганлиги эълон қилинди. Кения демократик партиясига собиқ соғлиқни сақлаш вазири М. Кибаки асос солди.

Гап шундаки, ўтган йил декабрида кўппартиявийлик тизимига ўтилиши муносабати билан бу муаммога доир алоҳида қарор қабул қилинган эди. Ушандан бўён мамлакатда 20 дан зиёд янги партиялар вужудга келди. Энг қизиғи шундаки, бу партияларга узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган тузумнинг арбоблари асос солмоқдалар. Биргина ўтган ойнинг ўзида вазирлар маҳкамасининг олти нафар аъзоси муҳолиф томонга ўтиб кетдилар. Мамлакат президенти Даниэль Арап Мон бундай ҳолатни танқид қилиб, келажакда бундай ҳатти-ҳаракатлар давом этаверса, у мамлакатни ҳалокатга олиб келиши мумкин, деб айтди.

● **ЧЕХОСЛОВАКИЯ** ишчи ишлар вазирлиги ярим йил давомида Прагада пиво мухлисларининг халқаро ташкилотини тузиш тўғрисидаги талабномани кўриб чиқди. Ниҳоят бундай ташкилотни таъсис этиш учун рухсат берилди. Яқинда Прагада пивохўрларнинг катта Кенгаши чақирилиши кутилмоқда. Унда катта Кенгаш янги жамиятнинг жўрабошисини сайлайдилар. Ҳозирча бу вазифани Иво Дворжак исмли киши ижро этиб турибди.

● **ХИТОЙЛИК** Лунь Хуэйцянь деган йигит яқинда икки қувончли воқеани бошидан кечирди. Биринчидан, у олийгоҳни тамомлаганлиги ҳақидаги дипломни қўлга олди. Иккинчидан, ўтқирлик қилганлиги муносабати билан қамоқ муддати тугагач, Лунь озодликка чиқди. Шундай қилиб, қамоқда ётиб олий маълумот олишга муваффақ бўлган биринчи киши Хуэйцянь бўлиб қолди.

● **КУНИ** кеча Байрутда Ливан ёзувчиси Мустафо Геха отиб ўлдирилди. У ўз фаолияти давомида Оятулло Хумайнийни ҳамда 1979 йилда амалга оширилган Эрон ислом инқилобини танқид қилувчи бир неча асарлар ёзган эди.

● **ЯҚИНДА** Бағдодда давлат тўнтаришига уриниш бўлганлигини ҳамда шундан сўнг кўплаб кишилар ҳибсга олинганлигини Ироқнинг Голландиядаги элчиси Солиҳ Аль-Фалақий тасдиқлади.





ҒАЛАБА РАМЗИ

Қадимий афсоналарда ярми қуш, ярми арслон бўлган баҳайбат қанотли маҳлуқ ҳақида кўпдан-кўп ҳикоя қилинган. Ўзбекистон кинематографиячилари уюшмаси таъсис этган совринга ана шу афсонавий қўшнинг номи берилди. Эндиликда «Бургут бошли, арслон гавдали олтин соврин» ҳар йили кино соҳасида яратилган энг яхши асарларга берилади. Миллий кино санъатимиз Американинг «Оскар» ва собиқ бутуниттифоқ «Ника» совринига ўхшаш ўз мукофотига эга бўлди.

— Тўғри, совринимизга ўзбек киноси мумтози Наби Ғаниевнинг номи ҳам берилган,— дейди кинематографиячилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Малик Қаюмов.— Бу билан биз ўзбек маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган кишининг номини абадийлаштиришни хоҳладик. У куч-ғайратга тўлиб-тошган вақтида, қирқ саккиз ёшида ҳаётдан кўз юмди, лекин унинг қолдирган ижодий мероси миллий киномизнинг олтин хазинасидан жой олди. Наби Ғаниевнинг номи узоқ вақтгача тилга олинмай келди. У худди соядa қолиб кетгандек эди. Ҳозир биз устоз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унга муносиб баҳо берямиз.

Ўзбекистон Кинематографиячилар уюшмаси соврини «Бургут бошли, арслон гавдали олтин соврин»нинг тасвирини эр-хотин рассомлар Валерий ва Флорида Гамбаровлар илҳом билан яратишган. Ана шу афсонавий жонивор қиёфасида парвозга шайланиш, олийжаноблик, бир мақсад сари интилиш каби эзгу ниятлар уйғунлашган. Бундай фазилатларсиз кинони тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбек киносининг намояндаларига ана шу мукофотларни биринчи марта топшириш маросими бўлди. У ҳақиқий байрамга айланди. Бу байрамни киночиларгина эмас, айни вақтда экран санъатининг барча муҳлислари ҳам сабрсизлик билан кутишганди. Ана шу дастлабки олтин соврин режиссёр, актёр, драматург, сценарийчи, «Юксалиш», «Ажойиб иш», «Рамазон», «Ажал қудуғи», «Йигит», «Насриддиннинг саргузаштлари», «Жасур дўстлар», «Тоҳир ва Зуҳра» сингари фильмларни яратган Наби Ғаниевга берилди. Соврин санъаткорининг набираси, таниқли тележурналист Шаҳноза Ғаниевага топширилди. Шаҳноза Ғаниевлар оиласи мазкур мукофотни ижодий уюшмада абадий сақлаш учун қолдиришга қарор берганлигини маълум қилди.

Ҳамма оператор Темур Қаюмов бошчилик қилган ҳакамларнинг бошқа қарорларини сабрсизлик билан кўтарди. Ҳакам ҳайъати «Энг яхши бадиий фильм» ва «Ҳужжатли фильм» тонфасидаги лента-ларга мукофотни топшириш-масликни маъқул ҳисоблади. Ҳакам ҳайъати совриндорларни танлашга ёндошуви, ўзининг принципиаллигини ана шу тарзда жиддий изҳор қилди.

«Энг яхши мультипликация фильмлари учун» аталган совринга «Кўппак, яна кўппак» фильмининг ижодкорлари сазовор бўлишди. Муаллифлар жамоаси фильм режиссёри Дэла Ботирова фожиали ҳалок бўлганлигни муносабати билан ўзининг таъзиясини изҳор қилди. Шу сабабли соврин унинг отаси — режиссёр Равил Ботировга топширилди.

Қисқа метражли фильмлар орасида режиссёр Б. Одиловнинг «Биринчи бўса» ва режиссёр Ж. Қосимовнинг «Бебошлар» деб аталган картиналари ғолиб деб топилди.

«Энг яхши аёл ролини ижро этгани учун» совринига актриса Дилором Эгамбердиева сазовор бўлди. У режиссёр Исамат Эргашевнинг «Темир хотин» фильмида ажойиб образ яратганлиги туфайли шундай ҳурмат қозонди.

Режиссёр Э. Давидовнинг «Ана, яна Насриддин» фильмининг бош қаҳрамони Рустам Саъдуллаев «Энг яхши эркак ролини ижро этгани учун» совринига сазовор бўлди.

Ҳакам ҳайъатининг махсус қарорига кўра Рифқат Иброҳимовга энг яхши операторлик иши учун ана шу олтин соврин топширилди.

Бошқа бир қанча махсус совринлар ҳам ўз эгаларини топди. Бу совринларни мутасаддилар — «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Санъат саройи, «Совпластитал», «Миконд» бирлашмалари, миллий ташқи иқтисодий банк, Фаластин марказининг Тошкентдаги бўлими, «Юлдуз», «Ватан», «Инсон», «Тафаккур» студиялари таъсис этишганди. Наби Ғаниевнинг «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида Зуҳра ролини ижро этган Юлдуз Ризаева «Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» совринини олди. Тантаналарнинг ташкилотчилари мутасаддиларнинг жонкуярлиги, ташаббусини алоҳида таъкидладилар. Уларсиз бизнинг оғир давримизда санъатнинг бирор тури омон қолиши, ривожланиши мумкин эмас. Боз устига бундай ёрқин байрамларни ҳам ташкил этиб бўлмайди.

Либослар намойиши тантаналарга ўзига хос файз, тароват бағишлади —унинг қатнашчилари томошабинлар кўз ўнгида VI—VII асрлар либосида пайдо бўлишди. Тарихий фильм қаҳрамонлари ана шу либосларда суратга тушишади. Ҳозир Зебо Носирова бошчилигидаги чеварлар гуруҳи ана шу фильмга либослар яратиш устида иш олиб бормоқда.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

СУРАТЛАРДА: энг яхши операторлик иши учун таъсис этилган мукофот Рифқат Ибрагимовга топширилмоқда; Совринлар топширилгандан сўнг театрлаштирилган томоша кўрсатилди.

Суратқаш Р. ШАГАЕВ.

(ЎзТАГ).

Кинорежиссёр билан мулоқот

Темур Малик ЮНУСОВ:

САВОБЛИ ИШЛАРГА БЕЛ БОҒЛАДИМ

— БУРНОҒИ йили ўсмирлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Тангалик болалар» номли мусиқали комедия ишлагандим. Назаримда, анчадан буён «Ўзбекфильм» киностудиясида бу жанрда асарлар яратишга эътибор сусайиб қолганди. Кейинги пайтларда эса бу соҳада жонланиш юз бериб, Мелис Абзалов ва Исамат Эргашев фильмлар ишлашди. Хусусан, «Майсаранинг иши», «Темир хотин» ва «Темир эркак» фильмлари ана шулар жумласидандир. Булардан илгари ҳам халқимизнинг дилига ёқадиган яхши мусиқали фильмлар бор эди. Афсуски, кейинги йилларда бу анъаналар унутилди. Шу туфайли ҳам менинг бу ишим ана шу бўшлиқни қисман бўлса-да, тўлдиришга қаратилди.

Маълумки, ўзбек халқининг жуда катта маданияти ва бой мусиқий мероси бор. Хусусан, мақом санъатимизнинг ўзи улкан бир хазина. Афсуски, биз ана шу бой меросдан ҳали тўла фойдалана олаётганимиз йўқ. Ўйлайманки, эндиликда қадриятларимиз тикланаётган, ўтмиш меросимиз том маънода ўрганилаётган экан, уларга ҳам тўғри кўз билан қараб, тарихда биз қандай халқ ва миллат бўлганлигимизни аниқ акс эттиришимиз лозим. Маданиятимизни фақат Октябрь инқилоби туфайли туғилган деган хато фикрга барҳам бермоқ керак. Энди инсоният тарихида энг маданиятли, билимдон, зукко ва тадбиркор халқ фарзандлари эканлигимизни баралла айтадиган нурли кунлар келди.

Мусиқа маданиятимиз мақом, санъатидан ташқари ўзининг бошқа жуда кўпгина миллий ижро йўлларига ҳам эгаки, уларни биз катта ашула, термалар ва лапарлар деб айтамиз. Халқимизнинг оғзаки ижоди ўз таровати билан бетакрор санъатдир. Айниқса, Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида бахшичилик ижроси кенг ривожланган бўлиб, халқимиз уларни севиб тинглайдилар. Бу санъатнинг ижро йўллари ҳам турличадир. Бир томондан, у шеъриятимизнинг бир қисми бўлса, иккинчи томондан эса мусиқа санъатимизнинг ажралмас бўлагидир. Мен бир неча йил аввал Сурхондарёда бўлиб, у ерда ўзим кўрган, эшитган фольклор дурдоналарни тўплаб, «Унутилган қўшиқ» номли фильм ишладим. Мана, бир неча йилдирки, мазкур фильм мамлакатимиз ва ҳорижий давлатларда кенг намойиш қилинмоқда. Айрим чалламуллалар ўйлаганидек, биз ислом маданияти туфайлигина ривож топган миллат эмасмиз, балки исломдан аввал ҳам гуркираб-яшнаган санъатимиз, маданиятимиз ва қизиқарли тарихимиз бўлган. Бугунги кунда биз ана шу маданиятимиз ютуқларини яхлит бир ҳолга келтиришимиз зарур. Шахсан мен ана шундай ёрқин манзарани ўлкамизнинг сўлим масканларидан бири бўлган Фориш-да кузатдим. Халқимизнинг кўпгина расм-русумлари, миллий анъаналари, халқ қўшиқлари, ажойиб ўйин-кулгуларини кўриб қувондим. Спорт мусобақаларининг кўпчилиги-қўшиқ-куйлар ва рақслар билан боғланиб кетган. Мана шуларни жамулжам қилиб, «Фориш наволари» ва «Фориш халқ ўйинлари» номли иккита фильм яратдим. Уларни тайёрлашда менга тасвирчи Қаҳрамон Ҳасанов яқиндан кўмаклашди. Фильмлар матнини Усмон Қорабоев ва Саида Юнусовалар ёзишди. Бу ҳужжатли кино асарларни ишлашимда менга Ўзбекистон маданият жамғармаси, Жиззах вилояти ижроия қўмитаси, Фориш ноҳияси ижроқўми ва спорт мутасаддилари ҳам ёрдам бердилар. Албатта энг асосий таянганим бу — ўша Форишнинг меҳнатсевар ва азамат халқи бўлди. Барча қутлуғ анъаналарни ўз хотирасида сақлаб, қалбида ардоқлаб келаётган форишликларнинг асл фарзандлари қатағон йилларида ҳам ҳозирги ва келгуси авлод учун маданий қадриятларимизни авайлаб келгани ибратлидир. Ўйлайманки, ана шундай заҳматкашлар бор экан, халқимизнинг чироғи ҳеч қачон сўнмайди.

Юртимиз жуда беподён, одамлари ҳам бетакрор. Мисол учун Фарғона водийсини олинг. У ернинг ҳам ўзига хос урф-одатлари, куй, қўшиқ ва рақслари бор. Хоразм, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё ё Тошкентни олинг. Қўйинг-чи, бу воҳалар ҳар бирининг қиёфаси ўзига хос. Биз, кино санъати ижодкорлари олдида турган муҳим вазифалардан бири — забардаст халқимизнинг узоқ йиллар давомида қалб тўрида авайлаб-асраб келган ноёб дурдоналарни сақлаб қолиш ва уларни яна эгалларига қайтаришдан иборат. Бу ишларни кенг миқёсда амалга ошириш учун эса биз тоталитар тузум ва «улуғ оғачилик» сиёсатидан бутунлай воз кечишимиз, натижада бир пайтлар ўзимиз юз ўгирган маданиятимиз бойликларига мурожаат этишимиз лозим. Ахир не-не даврларни бошдан кечирмадик дейсиз? Шундай пайтлар бўлдики, жумҳуриятимиз «катталари» танбур ва дутор сингари миллий чолғу асбобларига қарши ҳам беаёв ўт очдилар. Бу созларда ўлмас асарлар яратган Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий каби улуғ санъаткорларимиз таъқибга учрадилар. «Биз энди тўла равишда симфоник оркестр, опера-балетларга ўтамиз», деган нотўғри тасаввурларга ҳам бориб етдик, Уларни халқ эшитадими, тинглайдими, қабул қиладими-қилмайдими деб ўйлаб ўтирмадик. Миллий қадриятлардан воз кечиш — инсониятнинг катта бир оиласидан узилиб қолиш деган гап эди-ку! Ваҳоланки, тенг ҳуқуқли оила ҳар бир аъзосининг ўз овози, ўз қиёфаси, ўз йўли бўлиши керак эди. Бугунги кунга келиб қадриятларимизга катта аҳамият берилаётган бир пайтда биз, санъаткорлар ана шу меросимизни тиклашда энг олдинги сафда боришимиз керак. Ўзимиз тинмай изланиб, уларни қидириб топишимиз лозим.

Энди бўлғуси режаларга келсак: шахсан ўзимнинг шу кунларда худо ҳоҳласа, дилимга тугиб қўйган савобли ишларим бор. Ана шуларни амалга ошириш ниятидаман. Боя айтганимдек, маданий қадриятларимиз тикланаётган бир вақтда диний эътиқодимиз ҳам қад ростламоқда. Шунинг учун ҳозир мен Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида буюк бобокалонимиз, мутафаккир шоир ва дин арбоби Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида уч пардали қисқа метражли ҳужжатли фильм ишлаш режаси билан яшаяпман. Бу фильмнинг матнини шоир Тоҳир Қаҳҳор билан ҳамкорликда ёздик. Энди бу кино асарнинг асосий лавҳаларини суратга олиш мақсадида Туркияга сафар қилишни мўлжаллаб турибмиз. Чунки бобокалонимиз ижодий меросини ўрганишда турк биродарларимиз анча самарали ишлар қилишаётир. Бу соҳада ўзининг самарали изланишлари билан танилган ана шундай заҳматкаш олимлардан бири — Фуат Кўприлизодадир. Бу муҳтарам зот билан суҳбатлашиб, унинг фикр-мулоҳазаларини тасмага муҳрлаш ниятимиз бор. Биз фильмда Фуат афанди чоп эттирган илмий китоблар ва шу ерда ташкил этилиб, бугунги кунда фаол иш олиб бораётган халқаро Яссавий конгресси ташкилотчилари билан ҳам таништирамиз. Конгресс президенти этиб туркиялик машҳур адабиётшунос олим, профессор Камол Эраслан сайланган. Биз у киши билан ўтган йили Алишер Навоий тўйлари кунларида учрашиб, суҳбатлашдик. Ниятимиз шуки, Камол оға билан ҳам Истанбулда яна кўришиш ва олимнинг илмий тадқиқотлари билан яқиндан танишиш. Бу олим олиб бораётган тадқиқотлар ва умуман жаҳонда Хўжа Аҳмад Яссавий ижоди ҳамда шахсиятига бўлган қизиқишни кўрсатиш мақсадида биз янги-янги маълумотларга мурожаат этмоқчимиз.

Дилга тугиб юрган эзгу режаларимдан яна бири — Хўжа Аҳмад Яссавийга бағишланган бадиий фильм яратишдир. Маълумки, ҳозир таниқли ёзувчи Саъдулла Сиёев бу бобокалонимиз ҳақида «Туркистонлик авлиё» номли романини ёзиб тугатяпти. Биз ёзувчи билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб қўйганмиз, фильм матнини биргаликда ёзамиз. Аллоҳ насиб этса, бу фильмни шу йилдан қолдирмасдан суратга олишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари вақти-вақти билан фольклорга оид янги мусиқали фильмлар ишлаш ниятларим ҳам йўқ эмас.

МИРЖАЛОЛ МИРАЛИ
ўғли суҳбатлашди.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги
М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

«КЎЗГУ»
ДЕМОКРАТИК ТЕАТРИ
ЯНГИ ТОМОШАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон халқ артисти
Бахтиёр ИХТИЁРОВ
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирзабек ХОЛМЕДОВ
Ўзбекистон қизиқчи ва аскиячилар кўригининг совриндори
Тўхтамурод АЗИЗОВ

Театр ва кино артисти Матёқуб МАТЧОНОВ.

Читалар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 да сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар: 45-92-13, 33-67-73.

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА

«ҚОНСЎРАР» ТЕАТРИ

КАТТА ШОУ-ТОМОШАЛАРДА — ЭСТРАДА ВА ЦИРК УСТАЛАРИ

Ўз санъатларини намойиш этадилар

АСАБИ МУСТАҲКАМ ТОМОШАБИНЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. 6 ЕШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ КЎРИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ.

Кинога ва суратга олиш тақиқланади.

ТОМОШАЛАР: 18, 19 январда соат 15 ва 18 да,
20 январда соат 18 да,
21, 22, 23, 24 январда соат 18 да,
25 январда соат 15 ва 18 да,
26 январда соат 12, 15, 18 да,
27, 28, 29 январда соат 18 да БОШЛАНАДИ.

Касса соат 10 дан 18 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

—★✦★—

Ўзбекистонда биринчи марта «Муборизъ» ассоциацияси

КИКБОКСИНГ, ФУЛ КОНТАКТ КАРАТЭ БЎЙИЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗАДИ

Дастурда Ўзбекистоннинг етакчи ансамбллари иштирок этади.

Чемпионат Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент давлат цирки биносида ўтказилади.

ЧЕМПИОНАТ ҲОМИЙИСИ — «НИГОҲ ФИРМАСИ.

Чиптлар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилади.

Касса «ЮБИЛЕЙ» спорт саройида соат 10 дан 18 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-17-81, 44-17-84, 44-35-91, 44-29-04.

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш илмгоҳи жамоалари бошқарманинг бош мутахассиси А. Х. Измайловга акаси

Аббос Халилович ИЗМАЙЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• ҲАР ТЎҒРИДА •

КАПАЛАКЛАР... БОЙЛИК МАНБАИ

Филиппиннинг Мариндуке вилоятида ғайритабиий ҳунармандчилик ривожланган. Бу ерда ўн хил капалакларни кўпайтириш бўйича махсус фермалар ташкил этилган. Бу капалаклар ўзининг ажойиб, турли рангда жилоланиб туриши билан жаҳонга машҳур бўлиб кетган. Уларнинг харидорлари тобора кўпайиб боряпти. Ғарбий Овруپо, АҚШ ва Японияда тушаётган буюртмаларнинг кети узилмаяпти. Уларнинг ҳар бири бир доллардан беш долларгача нархда харид қилинади. Энг ноёбларининг ҳар бири 30 долларгача етказиб сотиляпти.

— Бундай савдо фақат аҳолининг иш билан банд бўлишига эмас,— дейди ҳайвонот дунёси ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича бошқарма директори С. Пенафиел, шу билан бирга капалакларнинг ноёб турларини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Акс ҳолда уларнинг ер юзидан абадий йўқ бўлиб кетиши мумкин эди. Фермерлар ўз «маҳсулотлари»нинг тахминан 10 фоизини қўйиб юборадилар. Мақсад уларнинг табиий шароитларда ҳам кўпайишини таъминлашдир.

МАНГО БАЙРАМИ

«Меваларнинг асили», «Олтин мева»... Манго ҳақида шунга ўхшаш ва бошқа таърифлар жуда кўп. Бу мева шундай номга арзийди ҳам. Унинг таъми жуда ажойиб бўлиб, бу жиҳатдан унга тенг келадиган меваларнинг ҳамдан-кам топилади. Деҳлида уюштирилган халқаро «Манго байрами»ни томоша қилишга муяссар бўлган Ҳиндистон пойтахтида истиқомат қилувчилар ва чет эллик сайёҳлар бу меванинг 500 дан ортиқ навини кўришга муяссар бўлдилар.

Деҳлидаги энг йирик ёпиқ стадионлардан бирида катта экспозиция ташкил этилди. Мангонинг сариқ, яшил, қизил рангдаги турлари қўйилган эди. Майдаси товуқ тухумидек бўлса, катталари кичикроқ қовундек келарди.

Мангони Ҳиндистоннинг миллий меваси, деб атайдилар. Бу мамлакатда уни бизнинг эрамиздан олдинги уч мингинчи йилларда етиштира бошлашган. Санскристда ёзилган қадимги матнларнинг бирида шундай дейилади: Манго кўз ва тилни қамаштиради. У ҳақиқатан ҳам она табиат инсонга инъом этган олтин мевадир».

НОН ДАРАХТИ

Бу дарахт Ҳиндистоннинг намли ўрмонларида, Молунки ва Зонд оролларида ёввойи кўринишида ўсади. Унинг турлари 50 тагача боради. Маданий ўстириладиганлари ичида иккита тур машҳур ҳисобланади.

Нон дарахтининг айрим мевалари ўсиш даврида катта ва ёйсимон кўринишда бўлиб, бир-бирига қўшилиб кетади ва вазни 25—30 килограммгача етади. Меваларини озиқ-овқат сифатида фойдаланишдан олдин тузлаб қўйилади ва олинган хамирга ўхшаш крахмалга бой массадан нон ёпилади. Қовурилган уруғини тановул қилишади. Битта шундай дарахт икки-уч кишидан иборат оилани бир йил давомида боқа олади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30. 30579 нусха босилди.